

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеъриятида лирик хронотопнинг ривожи	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликлариаро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мұлоҳазалар.....	96
М.Абдулпаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашурев	
“Алпомиш” достонида құлланилған ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда маттни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир	118
С.Содиков	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш	123
Н.Махмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианти грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидой олим	148
БИБЛИОГРАФИЯ	150

УДК.809.437.5+801.3

АССОЦИАЦИЯЛАР ИНДИВИДУАЛЛИГИНИНГ ТАШҚИ ОМИЛЛАРИ

Н.Хошимова

Аннотация

Мақолада ассоциатив реакцияларнинг ташқи ва ички омилларга бўлиниши ва ташқи омилларнинг хусусиятлари талқин этилади. Ассоциатив тажрибанинг натижалари таҳлил қилинади.

Аннотация

В статье представлено толкование разделения ассоциативных реакций на внешние и внутренние факторы и особенности внешних факторов. Анализируются результаты ассоциативных экспериментов.

Annotation

The article considers the divisions of the associative reactions into external and internal factors, mainly the peculiarities of the external factors are under discussion. The results of the associative experiments are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: индивидуаллик, ташқи ва ички омиллар, ёш, гендер, категориал онг, сенсор-кўргазмали онг, яшаш ҳудуди, лингвокультурологик жиҳатлар.

Ключевые слова и выражения: индивидуальность, внешние и внутренние факторы, возраст, гендер, категориальное сознание, сенсорно-наглядное сознание, место жительства, лингвокультурологические свойства.

Keywords and expressions: individuality, external and internal factors, age, gender, categorical conscious, sensor conscious, living territory, linguocultural features.

Ассоциатив тажрибаларда ассоциатив реакцияларининг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги сабабини олимлар ҳамда тадқиқотчилар бир неча омилга боғлиқлигини кўрсатиб ўтганлар. Мазкур мақолада ассоциатив реакцияларнинг ўзига хослигига эътибор қаратилиб, уларнинг бир неча омилдан иборат эканлиги таърифланди. Жумладан, ассоциатив жавоблар ташқи ва ички омилларга бўлинди. Ташқисига гендер, касб, ёш, яшаш жойи, миллат кабиларни, ичкисига эса репрезентатив тизим модалликлари ва инсоннинг бутун ҳаёти мобайнода тўпланган ҳаётий тажрибасини ифодаловчи омилларни киритиш мумкин. Гендер, касб, ёш, яшаш жойи ва миллат каби омиллар ташқи деб аталди, чунки булар кўзга ташланадиган, бирламидир. Шу билан бирга, инсоннинг ички дунёси билан боғланган ва ассоциацияларнинг индивидуаллигини белгиловчилар ҳам мавжуд бўлиб, булар ички омиллар сифатида кўрсатилди.

Олиб борилган тадқиқотларда ассоциатив тажриба жараёнида 70 нафар талаба, 10 нафар турли касб эгаси иштирок этди. Жумладан, ўқитувчи, врач, банк ходими, санъаткор, техник ходимлари, иктисадчи каби кишилар ҳам тажрибада қатнашди. Бундан ташқари, ёшни ҳам эътиборга олган ҳолда 10 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишилар тадқиқотга жалб этилди. Ёш, касб, гендер омиллар асосидаги ассоциатив реакциялар таҳлилида ассоциацияларни прагматик жиҳатдан ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Маълумки, гендер ва тил ўртасидаги муносабат социолингвистик аспектда ўрганилади. Эркак кишилар тили аёллар тилидан фарқланади. Бирорта вазиятни тасвирлашда эркаклар қисқа ва лўнда гаплардан фойдаланса, аёллар эса узун ва мавхум тушунчалар орқали фикрларини ифодалашга ҳаракат қиласидилар. Ассоциациялар тадқиғида аёллар ва эркаклар томонидан берилган ассоциатив реакцияларнинг фарқи борми? Бу саволга жавоб топиш учун ассоциатив тажриба жараёнида ушбу масалаларга ҳам эътибор қаратишга ҳаракат қиласидик.

Е.И.Горошко ўз тадқиқотида эркак ва аёллар ассоциацияларини ўрганиш мақсадида монастир, қамоқхонада ҳаёт кечираётган ҳамда оддий кишиларнинг ассоциатларини текширган. Оддий ҳаёт кечиравчилар ва қамоқхонада яшаётган эркак ҳамда аёлларнинг ассоциатлари фарқланади, лекин икки хил жинснинг ассоциатларида катта фарқ кузатилмаслигини таъкидлашимиз лозим. Жумладан, берилган эркак сўзига аёллар ва эркаклар бир хил сўз-реакциялар келтиради: куч, кучли, чиройли, ақлли, ота, оила боши. Бола сўзига кичкина, баҳт, кувноқ, ғамхўрлик сўзларини келтирадилар[1].

Э.А.Салихова ўз тадқиқотларида ўғил болалар реакцияси экспликативлик, қизларнинг реакциялари эса таассуротчанлиги билан фарқланишини таъкидлаган [2, 5].

Н.Хошимова – ФарДУ инглиз тили ўқитиши методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Мазкур тадқиқотда ассоциацияларнинг гендер ифодасига эътибор қаратилар экан, бунда қуйидаги фарқлар аниқланди. Ўғил болалар ва эркаклар кўпроқ изоҳловчи реакциялар берди. Буларнинг ассоциатлари кўпроқ категориал реакциялардан иборат бўлди. Қизлар вазиятга алоқадор, метафорали ёки цитатали ассоциатлар таклиф этишди. Қуйидаги жадвал ассоциациялар изланишида гендер бўйича ассоциатларнинг фарқини намоён қиласди.

Берилган сўзлар	Ўғил болалар ассоциатлари	Қизлар ассоциатлари
Арфа	асбоб, мусиқа,	мусиқий асбоб, тор, мусиқа, бетакрор мусиқа, Европа мусиқаси, ёқимли овоз, тарих
Рақкоса	аёл, ўйинчи, санъаткор, рақсга тушувчи, ўйинга тушувчи	ўйинчи, санъаткор, ижрочи, қиз, чиройли қиз, ялтироқ либос, миллый либос
Актриса	санъаткор, аёл	санъаткор, аёл,
Актёр	санъаткор, роль ўйновчи	санъаткор, роль ўйновчи
Ёзувчи	асар яратувчи	қалб овчиси, талант соҳиби
Рассом	расм, санъаткор	расм, санъаткор, мўйқалам соҳиби

Кўриниб турибдики, эркаклар ва ўғил болалар категориал онги билан ажралиб туради, аёл ва қизлар эса сенсор-кўргазмали онги орқали таъриф-тавсифланади.

Шунингдек, олиб борилган ассоциатив тажриба жараёнида гендерга хос масалалар билан бирга, касб омили ҳам таҳлил қилинади. А.А.Леонтьев турли касб эгаларининг ассоциатлари ҳам бир-биридан фарқ қилишини ифодалаб, бунга мисол тариқасида *қўл* сўзига бастакор майин, равон, ҳамшира эса ампутация ассоциатларини келтирганини таъкидлайди. *Тайёрламоқ* сўзига аксарият ўқувчи ва ўқитувчилар дарс реакциясини келтирганини, ҳамшира эса материал сўзи билан жавоб берганини, ҳисобчи ҳисобот сўзини таклиф этганини мисол қилиб беради [3;56-57].

Мазкур тажрибада *расм* лексемаси орқали ёш болалар онгидаги чиройли, чизди, яхши каби алоқалар пайдо бўлади. Рассомлар онгидаги эса бу лексема *натюроморт, марина* каби лексемаларни, рассомлик атамаларни ёки суратлар номлари, рассомлар исм-шарифларини вужудга келтириши мумкин. Парда лексемаси орқали фақат “*театр*” микромуруҳига мансуб сўзлар эмас, балки матто (тикувчилар, аёллар хаёлига келади), қулоқ (врачларда), дераза (ҳар қандай одамда) каби бошқа ассоциациялар қаторига тегишли бўлган лексемалар онгда воқеланади.

Ушбу тадқиқот ишида касб омилидан ташқари, текширилаётган талабаларнинг йўналишига қараб берилган ассоциатларга эътибор қаратилди. Ўзбек ва инглиз тили йўналиши талабаларнинг ассоциатив реакциялари изоҳланар экан, бунда инглиз тили йўналиши талабалари кўпроқ инглиз тили ва адабиётини ўргангандиги сабабли ассоциатив реакциялари ҳам инглиз актёрлари, адиблари исми, фамилияси, хаттоки айрим сўзларга уларнинг таржималарини келтиргандигини кўриш мумкин. Жумладан, актёр, ёзуучи, актриса сўзларига Николас Кейтч, Шекспир асари, Эркюль Пуаро каби ассоциатлари вужудга келди. Яна таъкидлаш мумкинки, филология йўналиши талабалари ўзбек актёр ва адибларининг исми, фамилиясини ассоциатив реакция сифатида келтиришган.

Яшаш ҳудудининг ҳам ассоциацияларга таъсир этиши мустасно эмас. Бунга мисол қилиб, А.А.Леонтьевнинг тадқиқини келтириш мумкин. *Шингил* сўзига россиялик четан дарахтини мисол қилса, тоҷикистонлик узум дарахтини белгилайди [3;56-57]. Д.Худойберганова *даражат* сўзига ўзбек миллатига мансуб кишилар терақ ассоциатив реакциясини берганини қайд этади [4;84]. *Уй* сўзига шаҳар фуқаролари томонидан баланд, кўп қаватли, ғиштили, панелли, қишлоқда яшовчилар томонидан эса ёғоч уй, боф каби ассоциатлар берилади. *Кўриниши* сўзига шаҳарда истиқомат қилувчилар шаҳар кўриниши; денгиз ёнида яшовчилар денгиз кўриниши, денгиз; ўрмон ёнидаги яшовчилар ўрмон сўзини белгилашади [3;57]. Яшаш ҳудуди ассоциацияларнинг индивидуаллигини белгилайдиган

омил, деб изоҳланади, лекин мазкур ишда фақат Фарғона ҳудудида яшайдиганлар тажрибадан ўтганлиги боис ушбу ҳодиса катта эътибор уйғотмади.

Н.И.Бересневанинг номзодлик ишида ёш бола ва улғайган кишининг ассоциатив майдонларининг қиёсий таҳлили олиб борилди. 10 ёшли болада катталарнинг олам манзараси тушунчаси тўлиқ шаклланган бўлади. Шу билан бирга, болаларда кўпроқ вазиятга тааллуқли ассоциациялар учрайди [5,162-172]. Ҳар қайси шахснинг ассоциатлари унинг бутун ҳаётий тажрибасини ифодалайди.

Ассоциатив тажриба турли тиллардо сўзларро муносабатларнинг ҳар хиллигини ифодалайди, маданиятга хос жиҳатларни намоён этади. А.А.Залевская маданиятларапо тадқиқотларида миллатлараро фарқни юзага чиқаришга ҳаракат қилди. Тадқиқотчи ўз тажрибаларида **нон** сўзига рус миллатига мансуб кишиларда *туз*, французларда *вино*, ўзбекларда чой сўзларининг ассоциатив жавоблар эканлигини таъкидлайди. **Оч** сўзига қирғиз ва ўзбек ҳалқи *тўқ*, яланғоч сўзларини келтиришса, руслар эса **голодный –холодный** сўзларини беради [3;46-52]. Д.Худойберганованинг тадқиқида ассоциатив фикрлашнинг миллийлиги қўйидаги ассоциатив жуфтликларда кўринади: *таом-палов*, *миллий кийим – атлас/тўн*, *бош кийим-дўппи* [4,84].

Бизнинг тадқиқотда ҳам ассоциацияларнинг лингвокультурологик жиҳатлари эътиборга олинди ва айнан ўзбек миллатига хос туртки сўз, яъни сўз-стимул ва ассоциатив реакциялари келтирилди. Жумладан, “санъат” тушунчасига *латифа*, *дўмбира*, *лазги*, *машшоқ*, *сурнай* ва *тановар* сўзлари сўз-стимул сифатида берилди. Буларнинг реакциялари қўйидагича:

латифа	аския, Афанди
дўмбира	доира, ноғора
лазги	дўппи, тақинчоқ
машшоқ	дарвеш, ҳофиз
сурнай	карнай, хатна тўйи
тановар	мунгли куй, миллий дард, миллий
мусиқа	мақом, шошмақом
дотор	рубоб, тановар
қўшиқ	алла, лапар, мақом
меъморчилик	наққошлик, ўймакорлик

Кўриниб турибдики, гендер, касб, миллат, яшаш ҳудуди каби ташки омиллар ассоциациялар индивидуаллигини намоён этади.

Адабиётлар:

- Горошко Е.И. Особенности мужского и женского вербального поведения (психолингвистический анализ). Дис. канд. филол. наук. – М; Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. – М.:РА-Каравелла, 2001.– 320с. <http://www.google.com.tekstologiya.ru>
- Салихова Э.А. Структура ассоциативных полей лексических единиц при детском билингвизме, Дис. канд. филол. наук. – Уфа, 1999.
- Леонтьев А.А. Словарь ассоциативных норм русского языка. – М.: МГУ.1977.
- Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)